



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 220 (13.033)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз раҳнамолигида аънавий ўтказиб келинаётган ушбу форум мамлакатимиз саноати салоҳиятини изчил юксалтириш, иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик янгилаш, улар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш ва бу орқали ишлаб чиқариш ҳажмини мутасил оширишга хизмат қилаётган.

Бу жihat кўнчилиқ саноати ривожига ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Кўплаб янги корхоналар ташкил этилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда. Бугун бозору дўконлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган пойабзаллар билан тўла. Улар импорт ўрнини босиш билан бирга экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

“Ўзбеккарпийабзали” уюшмаси павильонида ана шундай сифатли, бежирим ва чиройли маҳсулотлар намойиш этилмоқда. Чармдан тайёрланган кенг турдаги буюмлар – аёллар ва эркаклар пойабзаллари, махсус оёқ кийимлар, спорт анжумлари, сумкалар иштирокчилар эътиборини тортмоқда.

– 2012 йилда ташкил этилган корхонамиз барча мавсумга мўлжалланган пойабзаллар ишлаб чиқаради, – дейди “Khanabad”

Пойтахтимизда IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси давом этмоқда.

Seul” Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси директори Азамат Тўхтасинов. – Бежирим ва кўркам, юқори сифатли маҳсулотларимизга талаб йил сайин ошиб бормоқда. Бу эса маҳсулот турини кенгайтиришни талаб этмоқда. Маҳсулотларимизни чет элга экспорт қилиш бўйича қатор мамлакатлар билан музокаралар олиб бормоқда. Ушбу кооперация биржаси биз учун гўя самарали бўлаётган. Ўтган йилги саноат ярмаркасида беш юз миллион сўмдан ортиқ ўн тўртта шартнома имзоланган мавзафак бўлган эдик. Бу гал ушбу кўрсаткични бир миллион сўмга етказишни мақсад қилганмиз.

Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит, кенг имкониятлар, солиқ ва бож имтиёзлари турли давлатлар ишбилармонларининг Ўзбекистонда бизнес фаолиятини кенгайтиришга қизиқишини тобора кучайтирмоқда. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида кўплаб чет

эллик ишбилармонлар мамлакатимиз саноат салоҳияти, юртимиз корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини ўрганмоқда.

– Ўзбекистон бозори хорижий ишбилармонлар учун гўя истиқболли, – дейди Чехиянинг “Original Technologies” компанияси менежери Светлана Науменко. – Ушбу саноат ярмаркаси Ўзбекистон саноатининг улкан салоҳиятини намойиш этмоқда. Компаниямиз Карлови Варининг шифобахш минерал сувларини қадоқлашга ихтисослашган. Маҳсулотимиз кўплаб хасталикларга даво бўлади. Форумда ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ўзаро фойдали музокаралар ўтказиш имконига эга бўлаётганимиздан жуда мамнунмиз.

Саноат анжумани доирасидаги келишувлар мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётган.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни меъёрлари моҳияти ва аҳамиятига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Унда Олий ҳужалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, тадбиркорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Д.Абдуқодиоров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш йўлидаги ортиқча ғов ва тўсиқларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Янги қонун хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари ходимларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуви ва тўсиқлиги учун жавобгарлиқни кучайтиришда муҳим қадамлар қилинган. Қонунга мувофиқ қирқдан ортиқ қонун ҳужжатига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларини қамраб олди.

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлиқ қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш ҳамда ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказадиган бошқа жиноятлар бўйича алоҳида боб киритилди, – дейди ЎЗА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма

бошлиғи ўринбосари Икром Исканов. – Масалан, маҳаллий ҳокимликлар ёки назорат органлари томонидан тадбиркорни ҳимойликка ва бошқа шун турдаги тадбирларга мажбурий жалб қилиш Жиноят кодексининг 192-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортиладиган бўлди. Жиноят кодексининг 192-моддасида тадбиркорни ноқонуний текшириш ёки шундай ташаббус билан чиққан назорат органларига нисбатан жинойи жавобгарлик белгиланди.

Ҳужалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан улар томонидан айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар содир этиш орқали етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганда озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо қўлланилмайди. Савдо ва воситачиликдаги баъзи ҳуқуқбузарликлар жинойи юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилди.

– Илгари кириб қилинмаган товарларни саклаш кириб қилинмаган товар қийматида молиявий санкция қўлланилмаслиги белгиланди. Анжуманда тадбиркорлик ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда адлия идоралари ва ҳужалик судларининг асосий вазифалари, солиқ органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ривожигаги ўрни сингари мавзуларда муҳофизат қилинди.

Б.БОЗОРОВ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг қурултойи бўлиб ўтди.

АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎЛАМИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти раиси Ҳ.Каримов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Д.Мирзажонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш масалаларига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 28 майдаги “Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тўғрисида”ги Фармони асосида мамлакатимизда мазкур жамоат тузилмаси нодавлат нотижорат, инсонпарварлик ташкилотли сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Халқимиз саломатлигини асрашга ҳисса қўиши, турли хасталиклар профилактикасини кучайтириш, бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш, мураккаб вазиятларда тезкор тиббий кўмак қўрсатиш, ёш авлоднинг шахсий гигиенага доир билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мазкур ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларидир. Бу борада турли давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари билан ижтимоий ҳамкорлик асосида фаолият олиб борилаётгани ўз самараларини бермоқда.

Ҳисобот даврида 20 мингдан ортиқ фуқаро ва эҳтиёжманд оилага 1,5 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам қўрсатилди. Турли юқумли ва ижтимоий хавфли касалликлар профилактикаси бўйича маҳаллалар, оилавий поликлиникалар, корхона ва ташкилотлар, таълим масканларида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижроси доирасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига, ёлғиз қариялар, алоҳида эҳтиёжманд фуқаролар, пенсионерларга тиббий-ижтимоий ёрдам қўрсатиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўлами ортди.

(Давоми 2-бетда)

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Тошкентда “Аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон парламенти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Адлия вазирлиги томонидан ЕХХТ, Ф.Эберт номидидаги жамғарма (Германия), ЮСАИД (АҚШ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Олий Мажлис палаталари, вазирликлар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, ННТ, ОАВ, юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда Бельгия, Германия, АҚШ каби давлатлардан экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан ўз тараққиёт йўлини танлаган. Ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу борада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар асосини Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг машҳур беш тамойили ташкил этди.

Форумда шундай йўналишда амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистонда ижтимоий шериклик институтининг яратилиши, ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ҳамада қонунчилик асослари, мамлакатни демократик янгиллаш ва модернизациялашда фуқаролик жамияти институтла-

рининг роли ҳамда ўрни ҳақида сўз юритилди. Ижтимоий аҳамиятга эга қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда парламент ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ННТ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари, шакллари ҳамда мезонлари таҳлил қилинди.

Айни пайтда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқ-тартибот органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро алоқалари механизми, ушбу жиҳаддаги халқаро таърибага алоҳида эътибор қаратилди.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари тамойилини ҳаётга таъбиқ этиш учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида юксак демократик талабларга жавоб берадиган, фуқаролик жамияти институтларининг эркин ривожланишини таъминлашга қаратилган, 250 дан ортиқ қонун ҳужжатини муҳасам этган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Кейинги йилларда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тубдан соддалаштирди. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 8 минг 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий вилоятида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида саломатлик ҳафталиги ўтказилди. Тиббий кўрик-ка асосан фертил ёшидаги аёллар, болалар ва кексалар жалб этилди, аниқланган касалликлар бўйича зарур тавсиялар, даволаниш учун йўлланмалар берилди. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга мурувват ёрдами қўрсатилди.

● Бухорода Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ёш мақом ижрочилари республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мақом ашула ижрочилиги, мақом чолғу ижрочилиги каби 4 йўналиш бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга танловнинг мамлакат босқичига йўлланмалар берилди.

● Андижон шаҳридаги марказий деҳқон бозори қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Марказий деҳқон бозорининг қурилишига 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Уни барпо этишда “Андижон КМК”, “Ҳамкорлик транс барака”, “Хон”, “Милано сервис”, “Андижон Бўстон”, “Андижонав-тойўлқурилиш” сингари қурилиш ташкилотларининг ҳиссаси катта бўлди.

● Хоразмда “Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашда ОАВ-нинг роли ва вазифалари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, бола тарбияси билан оиланинг роли, унинг парвариси билан боғлиқ ижобий амалиётнинг ёритилиши, оилада соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашда ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамияти каби мавзуларга доир тақдимотлар намойиш этилди.

ЖАҲОНДА

● Дунёдаги энг йирик молия корпорацияларидан бири – “Deutsche Bank” (Германия) 2020 йилгача 9 мингта иш ўрнини қисқартириб, Аргентина, Чили, Мексика, Уругвай, Перу, Дания, Норвегия, Финляндия, Мальта ва Янги Зеландиядаги фаолиятини тўхтатмоқчи. “Бу ҳақда унинг раҳбари Жон Крайен маълум қилди”, дейилади “CNBC” телеканалли хабарида. Корпорация яқин беш йил ичида 6 мингта штатдан ташқари ходимини ишдан бўшатади. Ўз навбатида, 4 миллиард евролик активлар сотилиши режалаштириляпти.

● Хитойнинг Шанхай шаҳрида маҳаллий “Comac” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган янги “С919” йўловчи самолётининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу ҳаво лайнери авиатранспорт бозорида “Boeing” ва “Airbus” каби йирик компаниялар маҳсулотларига жиддий рақобат туғдириши мумкин.

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича халқаро амалиётда маълум бarcha воситалар қўлланилаётганига ғувоҳ бўлдик, – дейди Хорватия Республикаси ҳукумати ННТ билан ҳамкорлик оидининг молиялаштириш ва сифат назорати бўйича департаменти бошлиги Марина Локерт Состарич. – Хусусан, фуқаролик жамияти, унинг бошқа тузилмалари билан ҳамкорлиги оид миллий қўнғичлик асослари яратилгани соҳа ривожига хизмат қилаётганини кузатиш мумкин. Айниқса, аҳолини иқтисодий ғимоялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани диққатга сазовор. Ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган шахсларга бeғapаз кўмак кўрсатишда, болалар ва аёллар муаммоларини ҳал қилишда фуқаролик институтларининг фаол шугулланаётгани жамият барқарорлигини таъминлайди. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш, уни бошқа давлатларда ҳам омалаштириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

– Ўзбек халқи бarcha соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўзбекистонда яратилган миллий қўнғичлик фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда, – дейди Бельгия Сенати фахрий аъзоси Доминик Тилманс. – Бу жараёнда эътибор молик ҳолати, халқаро стандартларни миллий аъналарга уйғунлаштирилган ҳолда тараққиётнинг “Ўзбек модели” яратилганидир. Ўзбекистонга ҳар гал келганимда ушбу миллий модел бераётган юксак самараларга ғувоҳ бўламан. Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари тамойили ўз натижаларини бераётди. Жамоатчилик назорати институти чуқурлашаётгани, хусусан, жамиятда маҳалланинг таъсири кучайгани фуқароларнинг манфаатларини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Ўзига хос ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши мустақил суд ҳокимияти қарор топишига, инсон ҳуқуқлари таъминланишига замин яратди. Мустақил сайлов тизими мамлакатда бу жараённинг демократик асосда ўтказилишида муҳим роль ўйнаётганига сайлов жараёнида кузатиш сифатида иштирок этганимда ғувоҳ бўлганман.

Давлат томонидан тақдим қилинаётган қўлай шароитлар, имтиёзлар ҳамда имкониятлар фуқаролик институтларининг жамият ва давлат бошқарувидаги фаол иштироки кўламини янада ошираётди. Бу аҳолининг иқтисодий, социал-иқтисодий фаолияти ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. 2008-2015 йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига иқтисодий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан мазкур фонд орқали 47,3 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу маблағлар дав-

лат иқтисодий буюртмаси, гранти ва субсидияси шаклида тақсимланди. Ушбу маблағлар ҳажми изчил ўсиб бормоқда.

Конференцияда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг реал мустақиллиги, улар фаолиятини моддий ҳамда молиявий қўллаб-қувватлашнинг пухта қўнғичлик базаси, миллий инфратузилма яратилгани таъкидланди. Бу иқтисодий ҳаётни демократлаштириш, давлат қўрилиши, жамиятда манфаатлар мувоzanатини таъминлашга хизмат қилмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ғимоя қилиш вазифасини бажаришда ННТ позициясини янада мустаҳкамламоқда.

– Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича давлат ва жамоатчилик тузилмалари ривожланиб бораётгани билан бир қаторда уларнинг ўзаро мустаҳкам ҳамкор-

яратиш ва ғимоя қилишда самарали ишларни рўёбга чиқармоқда. Муҳими, бу жараён соғлиқни сақлаш органлари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда, давлатнинг бевосита қўллаб-қувватлаши орқали йўлга қўйилган. Бу Ўзбекистонда қўллаб-қувватлашнинг олдини олиш, болалар ва оналар ўлими камайиши, аҳолининг узок ўмр кўриши даражаси ошишига хизмат қилмоқда.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг амалиётга жорий этилиши ўз самарасини бермоқда. Чунки шу асосда аҳоли ҳамда жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қўнғич манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб бориши таъминланмоқда.

“Иқтисодий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтлари ривожига яна бир салмоқли қадам бўлди. Зеро, унга биноан давлат органларининг ННТ билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизми тақомиллаштирилди ва уларнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланиш дастурлари, қўнғичлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнидаги ўрни кучайтирилди.

Мазкур қонунда иқтисодий шериклик тушунчаси, субъектлари, принциплари ва асосий соҳалари ўз ифодасини топган. Иқтисодий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қўнғич манфаатларига дахлдор бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлиги экани қўнғич мустаҳкамлаб қўйилди. Унда давлат органлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.

Конференцияда таъкидланганидек, “Иқтисодий шериклик тўғрисида”ги қонун фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий майдонни янада кенгайтиришга замин яратди. Ушбу қонун нафақат миллий таъриба, балки халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилгани, бу жараёнда ҳам маҳаллий, ҳам халқаро экспертлар, ННТ вакиллари фикрига таянганлиги унинг ҳар жиҳатдан пухталигини таъминлади.

Анжуман якунида аҳолининг ҳуқуқ ва қўнғич манфаатларини ишончли ғимоя қилиш таъминлаш бўйича давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги иқтисодий шерикликни янада равнақ топтиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Норгул АБДУРАИМОВА

Қарор ва ижро

ПЛАСТИК КАРТОЧКА БЎЙИЧА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат банкнинг Интеграллашган автоматлаштирилган банк тизими дастури ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг “Пенсия” дастурий мажмуаси ўртасида электрон маълумот алмашув тизими синовдан ўтказилиб, амалиётга жорий қилинди.

Ушбу тизим пластик карточкалар ҳисобварақларига ўтказилаётган пенсия ва иқтисодий нафақаларни шифрланган файл шаклида банкка юбориш ва банкда ходим аралашувисиз автоматик тарзда қайта ишлаш имкониятини яратди. Бу пенсия ва иқтисодий нафақалар қисқа фурсатда пластик карточкалар ҳисобварақларига ўтказилиши таъминлаш билан бирга уларни ўтказиш жараёнида хатоликларнинг бартараф этилишида муҳим роль ўйнайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори банк пластик карточкаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

“Қишлоқ қурилиш банк” ахборот хизмати маълумотларига қўра, муомаладаги банк пластик карточкаларининг умумий сони 430 мингдан ошган.

Пойтахтимизда Меҳнат ва аҳолини иқтисодий ғимоя қилиш вазирлиги томонидан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш ва иш билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

БАНДЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ —
ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, уларга ёшлар ва ишсиз бўлган фуқароларни жалб этиш борасида қўллаб-самарали ишлар қилинаётди. Анжуманда таъкидланганича, ўтган давр мобайнида республика-мизда жами 748 минг иш ўринлари яратилган. Бунда мақсадли дастурларга қўра 163 мингта иш ўрни яратилган бўлиб, жумладан, саноатда – 60, хизмат кўрсатиш ва сервисда – 52, қишлоқ ҳўжалигида – 35 мингта иш ўринлари ташкил этилди.

Тобора ривожланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган тўққиз ой давомида кичик корхона ва микрофирмалар, яъни тадбиркорлик, уй меҳнати, дехқон ва фермер ҳўжалиқларида 585 мингдан зиёд аҳолининг банд-

Банк хизмати, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларидаги 8727 терминал орқали жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган транзакциялар ҳажми 1,2 триллион сўмни ташкил этган.

Тизимни янада кенгайтиришга қаратилган режага мувофиқ жорий йилда 2500 терминал, 250 минг пластик карточка, 100 инфокиоск ва банк-мат келтириш ва ўрнатиш кўзда тутилган бўлиб, ўтган даврда миқдорларга 80 минг пластик карточка ва 1450 терминал етказиб берилган.

Банк томонидан “Uzkart-env” тўлов тизимидаги фаолиятни янада тақомиллаштириш, терминаллар тармоғини кенгайтириш, “online” режимда ишловчи “Smart-vista” карточкалари муомаласида киритилишини жадаллаштириш, улар орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан доимий иш олиб боришмоқда. Жумладан, банк пластик карточкалари фойдаланувчилари “SMS-banking”, “Internet-banking” каби хизматлардан фойдаланиб келмоқда.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

Қиш тайёргарликни ёқтиради

ИМКОНияТЛАрдан
УНУМЛИ
Фойдаланиб

Сергели туманида бугунги кунда ўз ишини яхши ташкил этган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари қўллаб топилади. 8 А мавзеда жойлашган “Буюк юрт коммуналчи” ХУЖМШ ана шулардан биридир. Ширкат 2003 йили ташкил этилган бўлиб, мавзедаги 11, 12, 13, 14 қўп қаватли уйларга хизмат кўрсатади.

— 4 та 9 қаватли уй, 300 та хонадонга хизмат кўрсатамиз, — дейди биз билан суҳбатда ХУЖМШ раиси Хурсанд Ҳолиқов. — Жорий йилда ертўпларни таъмирладик, 1850 квадрат метр томлар ёпилди, 50 погон метр қувар алиштирдик, Январь ойидан бошлаб йўлакларга домофонлар қўйдик, йўлакларнинг олдида қоплама ётқиздик. Бу борада “Капитал” банкдан йўлак ва томини таъмирлаш учун олинган 46 миллион сўм миқдоридида кредит қўл келди. Аҳоли мамнун. Тўловлар вақтида амалга оширилмоқда. Қиш мавсумига тайёрмиз.

Дарҳақиқат, ширкат фаолияти билан танишар эканмиз, 9 қаватли уйнинг кириш йўлакларини озода, йўлак ойналарига замонавий аква ойналар қўйилган, кириш эшикларига домофонлар ўрнатилган, ертўплар қуруқ. Болалар майдончаси барпо этилганлигининг ғувоҳи бўлдик.

Сергели туманида бугунги кунда 2130 та қўп қаватли уйларга хизмат кўрсатуви 8 та бошқарув сервис компанияси, 133 та ХУЖМШлар фаолият олиб борапти. Улар орасида “Тинчлик кабутири”, “Махшур Тоҳир-Зухро”, “Бўстон коммунал”, “Нарпай коммунал”, “Маърифат коммунал” каби ширкатларнинг ишини яхши деб айтиш мумкин. Айниқса, Сергели 7 мавзедаги 14 та ХУЖМШларнинг фаолияти диққатга сазовор. Туман коммунал таъмирлаш ва аварияни тиклаш

хизмати бош муҳандиси Садриддин Ёрматовнинг айтишича, туманда дастур асосида йўл қопламаларини ётқириш ишлари 180 фойизга бажарилган. Ҳар бир ширкатнинг молиявий аҳоли ўрганиб чиқилиб, уларга амалий ёрдам берилмоқда. Бу йил ҳисобидан 110 минг квадрат метр том ёпилди. Бу ишлар банк кредити ва ширкатларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. 4 та уй мукамал таъмирдан чиқарилди. Тумандаги қўп қаватли уйларнинг 90 фойизи қиш мавсумига тайёр ҳолга келтирилди.

Дарҳақиқат, ширкатлар фаолиятини жонлантиришда тижорат банкларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Биргина, “Капитал” банк Сергели филиали томонидан 1 октябрь ҳолатига 3 та мавзедаги ХУЖМШлар учун 646 миллион сўмлик кредитлар ажратилган. Бу билан ширкатларнинг ертўла ва том қисмидаги муаммолар ҳал этилди.

Умуман олганда, Сергели туманидаги ХУЖМШ фаолияти билан танишар экансиз, уларнинг аксариятининг қиш мавсумига тайёр ҳолда эканлигини кўриш мумкин. Туман ҳокимлигида куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўриш билан боғлиқ штаб иш олиб борапти. Аҳолидан барча мурожаатлар қабул қилиниб, мавжуд муаммоларнинг тезлик билан бартараф этилишига эришиляпти.

Зохид КОДИРОВ

АМАЛИЙ ЧОРА-
ТАДБИРЛАР ҚЎЛАМИ
ОШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жамиятнинг минтақавий бўлинмалари томонидан кам таъминланган фуқароларни иқтисодий ғимоялашга 650 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга уйда иқтисодий хизмат кўрсатишни ташкил этиш йўли билан уларни қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларига 550 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Юз ёшдан ошган нурунийларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида эълон қилинган грант танловида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг 75 ташкилоти ғолиб деб топилди, уларнинг лойиҳалари асосида тиббий маданиятни, иқтисодий хизматни юксалтиришга оид қатор ишлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида”-ги қарорига мувофиқ 644 санитар дружинасига услубий ёрдам кўрсатилди. Қизил ярим ой жамияти вакиллари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган ўттиздан ортиқ ўқув-қўмондонлик машғулотида қатнашди.

Йигилишда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг келгусидаги иш режаси белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотинқизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбириПРОФЕССИОНАЛ
КАДРЛАР —
КЕЛАЖАГИМИЗ

Пойтахтимизда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳудудий кенгашлари партияси ўринбосарлари ва матбуот котиблари учун семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбирда партия сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси раиси ўринбосари А.Раҳмонов ва бошқалар Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишлари ижросини таъминлашда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, демократик ислохотларни изчил амалга оширишда уларнинг иштирокини кенгайтириш борасида қилинаётган ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга мамлакатимизда қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушунириш, партиянинг кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида турли ўқув-семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Мазкур тадбир ҳам ҳудудий партия кенгашлари раислари ўринбосарлари ва матбуот котибларининг сиёсий билмаларини мустаҳкамлаш, партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли орасида тарғиб-бот-тушунириш ишларини кучайтириш борасидаги тажрибаларни омалаштиришга хизмат қилади.

– Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятимиздаги касб-хунар коллежлари битирувчиларига “Микрокредитбанк” ҳудудий филиали томонидан 2 миллиард 800 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилди, – дейди ЎЗА мухбирига партиянинг Сурхондарё вилояти кенгаши ахборот хизмати раҳбари Мақсуд Тўраев. – Партиямиз мазкур банк ва вилоят меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида тўрт юздан зиёд ёшга берилган сармоялар ҳисобига беш юзга яқин иш ўрни яратилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар ёшларимизнинг фаоллигини ошириш, оилалар фаровонлиги ва иқтисодий барқарорликка эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Семинарда партия ҳудудий кенгашлари ахборот хизматлари раҳбарлари ва ҳодимларининг фаолияти самарадорлигини кенгайтириш, уларнинг касб малакаси ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ахборот хизматларида учраётган айрим камчиликлар, хусусан, тезкорлик ва аниқлик етишмаётгани, жамоатчилик билан ишлаш технологияларидан унумли фойдаланилмай, ОАВ билан мунтазам алоқа йўлга қўйилмаётгани кайд этилди. Бу борада журналист кадрлар салоҳиятини ошириш, уларни қайта тайёрлаш масалаларига эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

А.КИЁСОВА

Абдуллоҳ САЛИМОВ

Маҳалла — ота-онани

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча жабҳаларда бўлгани сингари маҳалланинг тарихий анъаналари ва нуфузини қайта тиклаш ва ривожлантириш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширила бошланди. Минг йиллар давомида шаклланиб, халқимизнинг ўзига хос ҳаёт тарзига айланган бу жамоавий тузилма мустақиллик туфайли том маънода янги мақом ҳамда мавқега эга бўлди.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони ушбу ўхшаш йўқ тузилманинг нуфузи ва обрўсини ошириб, фаолият қўламини янада кенгайтириб юборди. 1993 йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши маҳаллаларнинг нуфузини янада кўтарди ва масъулиятини оширди. 2003 йилнинг Ўзбекистонда "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши маҳаллаларга бўлган давлат эътиборининг кучайишига, унинг ваколат доираларининг ошишига хизмат қилди.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

Дарҳақиқат, маҳалла жамиятимиз учун тарбия ўчоғи, миллий анъаналар, урф-одат ва маросимлар шаклландиган, фуқароларни гоёвий жиҳатдан бириктирадиган ўзига хос маскан ҳисобланади. Бугунги турли глобал ўзгаришлар шароитида маҳаллада халқимизни турли мафқуравий таҳдидлардан асраш, жамиятда мафқуравий иммунитетни шакллантиришда ёшларни, аввало, соғлом, бар-

камол авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Фуқароларимизда мустақил дунёқараш, юксак маънавият, миллий гоёни чуқур англаш ҳисси шаклланиб, бегона гоёлар мутлақо уларга ўз таъсирини ўткази олмайди. Бунда маҳалланинг ўрни бекиёс.

Азалдан ўзбек халқи миллий менталитетида оилада болалар тарбиясига алоҳида аҳамият қаратилади. Бола оила муҳитидан чиқиб жамоага қўшилиб, яъни маҳаллада униб-ўсади. Шу боис бугунги кунда маҳалланинг ўз ҳудудлари доирасида оилалар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш ишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу ўз навбатида ёшлар онгида инсонпар-

ша намоён қилиб келмоқда. Шу сабабли ҳам ота-она билан фарзандлар ўртасида илиқ муносабатлар, ўзаро ҳурмат-иззат, меҳр-оқибат каби тамойиллар оилада шаклланиб, маҳалла-қўй, қўни-қўшнилар орасида у янада такомиллашади.

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида фуқаролар онгида миллий гуруҳ ва ифтихор туйғуларини, маънавий, маърифий етуқлик ва баркамоллиқни шакллантиришга катта эътибор қаратила бошланди.

Бинобарин, келажакда буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий меросини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, келгуси авлодларга қолдириш, халқимизнинг умуминсоний қадриятлар ҳазинасига қўшган улкан ҳиссасини бутун дунёга қайта танитиш, уни кенг тарғиб этиш, фуқаролар айниқса, ёшлар онгида миллий гуруҳ, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда маҳалланинг ўрни ва нуфузи янада салмоқлидир.

Жамиятимизда ўз салоҳияти, ақлига ишониб яшайдиган, жамият манфаатларини ўз шахсий манфаатлари билан уйғун тарзда қўрадиган етук инсонларни тарбиялашдан иборат вазифа келажакда маҳалладек уюшманинг қундалиқ фаолиятига айланишига шак-шубҳа йўқ.

Эркин ТОЛИПОВ

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАЙЗИ

Шундай тинч, осойишта, ҳур ва обод Ватанда яшаётганимиздан фохрланишимиз, ғурурланишимиз керак. Хонадонларимиз фаришталари бўлган нурунийларимизни бундан-да асраб-авайлаш, уларнинг хизматини қилиб, дуосини олиш каби неча минг йиллардан буён давом этиб келаятган урф-одатларимизни сақлаш баробарида келажак авлодга бус-бутунлигича етказишимиз зарур.

Ана шундай анъана ва қадриятларимиз замирида мамлакатимизда эзгулик янада улуғвор ҳамда юксак даражага кўтарилади. Зотан, кексаларимиз хонадонларимиз кўри, унинг обрўси, авлоддан авлодга ўтиб келаятган қадриятларимиз анъаналаримиз, бебаҳо меросимизнинг донишманд эгаларидир. Уларнинг ҳар бир сўзи ҳикмат, босиб ўтган йўллари эса ёш авлод вақилларига сабоқдир.

"Кексалар ҳурматда, ёшлар иззатда", "Қари билганни пари билмас", "Кексалар дуосини олайлик", дейди доно халқимиз. Бу сўзларнинг туб моҳиятига назар ташласак, миллатимиздаги бағрикенглик, савобат, абадиятга дахлдор воровий меҳри кўрамиз.

Бизнинг Сергели туманидаги 33 та маҳаллада II жаҳон урушида қатнашган 19 нафар фахрийлар истиқомат қилади. Яқинда Сергели туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар ёрдамида уларнинг уйлари олдида "II жаҳон уруши қатнашчиси" пешлавласи ўрнатилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиб, 2000 дан ортқ мавсумий гуллар экилди. Кекса фахрийларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида 7 нафар уруш қатнашчисининг кириш йўлакларини таъмирланди, 2 нафарининг уйи жорий таъмирдан чиқарилди.

Албатта, Кексаларни эъзозлаш йили биз ёшлар учун имкониятлар фасли

бўлиш билан бирга, зим-мамизга катта масъулиятни ҳам юклайди. Айтмоқчимизки, кексаларга, ота-онасига ғамхўрлик қилиш ҳар бир инсоннинг, айниқса ёш авлоднинг энг асосий бурчи бўлмоғи лозим.

Бугунги кунда, мустақил Ўзбекистон шароитида мамлакатимиз келажagini, миллий юксалишимизни белгилайдиган ёш авлод юртимизда қарор топган тинч-осуда ҳаётни издан чиқаришга ҳаракат қилаётган ички ва ташқи таҳдидларга тўсиқ бўлишга қодир. Маънавий жиҳатдан ўзлигини англаган, иймон-этиқоди мустаҳкам, муқаддас қадриятларни ўзига сингдирган, иродаси бақувват ёшлар том маънода юрт таянчидир. Бунинг учун ёшларга, уларнинг қалби ва онига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, замонавий билимлар билан қуроллантириш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан чиқинтириш лозим.

Истам МАМАТОВ,
Амир Темур номи
маҳалланинг вояга
етмаганлар, ёшлар ва
спорт масалалари бўйича
комиссия аъзоси

Ободлик кўнгилдан бошланади. Бугунги кунда саранжом-саришталилик, озодаллик, покизалик ва ободончилик ишлари, қолаверса, ўз уйимиз, корхонаю ташкилотимиз, ўқув масканларимиз, бир сўз билан айтганда, она Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини боғу бўстонга айлантириш тўғрисида кўп ва кўп гапирилмоқда.

ЎЗИМИЗ ИБРАТ КЎРСАТАЙЛИК

Замонавий, гўзал бинолар, маҳобатли кўприклар, узун ва равон йўللар, сўлим ва ораста, гулу чечакларга бурканган боғу роғлар ҳусни-тароватдан кўнглингиз бир олам қувончга тўлади. Лекин ҳеч нарса абадий эмас, мана шу гўзалликни асраб-авайлаш керак. Озодаллик ўз уйимиз, яъни остонамиздан бошланади. Ёшми-катта ми мана шунга билас, тушунсан ёмон бўлмайди. Чунки ҳақ гапни айтганда, фарошнинг келиб супуришини кутиб чанги қиқиб ётган кўп қаватли уй йўлакларини, гаражларимиз атрофлари чиқиндиларга тўлиб, дилни хира қилаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Ахир ўз уйимиз, маҳалламиз, ҳудудимиз атрофларини тоза, озода сақлаш, гулу райхонларни экиб, бутун атрофга гўзаллик бағишлаш ҳаммамизнинг бурчимиз, вазирамиз эмасми? Илгаритдан отау оналаримиз, момоларимиз болаларни шомдан кейин кўчада бекор юрма, уйда бўл деб тергаб туришган. Хозирда, иложига борица қоронғи тушишни кутиб ёш болаларнинг кўлларида қинди солинган халталарни бериб, тез ташлаб кел, деб ўқитишди. Бола бола-да, кўчага чиққандан кейин ўртоғини кўриб чалғий-

ди ёки бирор қизикроқ томоша устидан чиқадую қандай қилиб вақт ўтиб кетганини билмай қолади. Ҳали жойига етиб бормаган кўлидаги халтани эса секингина ариқ ичига, гараж ёнига улоқтирадию уйига қараб қопади.

Келинлар, бир оз эътиборли, масъулиятли ва жонқуярроқ бўлайлик. Ахир майда-чуйда деб ҳисобланган ушбу нарсалардан ўзимиз азият чекамиз, соғлигимизни йўқотамиз, кайфиятимиз бузилади. Шундай экан, ҳаммамиз биргаликда маҳалламиз, кўчамиз, ўз уйимизни тоза-озода сақлаш, мева-манзарали дарахтларни экиб боғ яратиш, гулу чечаклар жилосидан дил қувнатиш ишларида фаол бўлайлик.

Зеро, халқимизда бир нақл борки, у бежизга айтилмаган: саранжом-саришта уйда кўт-барақа бўлади, фаришталар хайрли ниятларни ижобат қилиб кўнглиларни қувонч шодликка тўлдирди. Мана шундай эзгу ва савобли ишларга бошқош бўлишдан асло қарчамасликни тилаб қоламиз.

Махбуба РАХМАТУЛЛАЕВА,
Хувайдо номи маҳалла фуқаролар
йигини фаоли



Ёшларни иш билан таъминлашда маҳаллаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор

Ислом Исмоилов олган сурат

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Мамлакатимизда демократик қадриятларни рўёбга чиқаришда жамиятнинг ажралмас қисми бўлиши маҳалла институтининг ўрни бекиёсдир. Чунки, аҳолининг фаровонлиги ва турмуш даражасининг ошишида маҳалла ўзгача ижтимоий бошқарув идораси бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этиш мумкин. Ана шундай истиқболли ишларни амалга ошираётган маҳаллалар сафига Сергели туманида жойлашган "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғинини ҳам киритсак бўлади.

1992 йилда ташкил этилган "Тинчлик" маҳалласида бугунги кунда 2022 та оила мавжуд бўлиб, уларда жами 7600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ушбу маҳалла ҳудудида 26 та кўп қаватли уй, 2 та мактабгача таълим муассасаси ва битта мактаб жойлашган. Маҳаллага асосан ёш оилалар кўчиб келишгани боис, уларнинг тинч-тотув яшашларини кўзда тутган ҳолда "Тинчлик" деб ном қўйилган.

Шаҳримизнинг тобора фойдаланилаётган бўлишида маҳаллаларда амалга оширилаётган ободончилик ишларининг ҳам ўрни бор. Бу борада "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Жумладан, маҳалла ҳудудида 150 та эски темир гаражлар ўрнига 4 та очик турдаги замонавий автоуловлар сақлаш жойлари барпо этилган. Каровисиз ва ташландиқ бўлган ерларга маҳаллада истиқомат қилувчи тадбиркорлар билан ҳамкорликда аҳоли учун янги турдаги 2 та мусиқали фавораси бўлган дам олиш майдончалари ишга туширилди. Шунингдек, ҳар бир уйнинг кириш йўлакларига кафел терилиб, атрофи кўкаламзорлаштирилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида қасаначилик, ҳунармандчилик, хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш, аҳолига сифатли тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш борасида "Тинчлик" маҳалласида ҳам истиқболли режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини жорий қилиш мақсадида кўп қаватли уйларнинг пастки қисмида каровисиз ётган жойлар ўзлаштирилиб, 16 та кичик савдо дўконлари бунёд этилди. Натижада, поллиз экинлари учун 5 та дала дўко-

ни, биттадан ҳунармандчилик, пичоқчилик, тикувчилик бўйича янги иш жойлари пайдо бўлди. Шунингдек, маҳаллада ишсизликни бартараф этиш мақсадида туман бандликка кўмаклашиш бўлими билан ҳамкорлик ўрнатилган. Бўш иш ўринлари ҳақида маълумот беришчи махсус доска қилинган.

"Тинчлик" маҳалласида ижтимоий ҳимояга эътибор қаратган ҳолда ногиронлар, беморлар ва кексаларнинг ҳолидан хабар олиш янги йўлга қўйилган. Маҳалладошлар ўз имкониятларига қараб, уларга эътибор қаратишмоқда. Ушбу йўлда турли миллат вакиллари истиқомат қилишларига қарамай, барча бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирмоқда. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтишамд, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслашга ўтказиш каби эзгу амаллар маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлади. Ана шундай эзгу хислатларни "Тинчлик" маҳалласида ҳам қўришнингиз мумкин.

Жорий йил мамлакатимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" бўлгани боис, "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳам бу борада бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Маҳаллада истиқомат қилувчи қари-ялар учун қўлай шарт-шароитлар ва дам олиш жойлари бунёд этилган. Шу пайтгача каровисиз ётган ҳудуд текисланиб, кексаларнинг дам олишларига мўлжаллаб, махсус усти ёпиқ сўри барпо қилинган. Яқинда маҳалланинг бир неча нафар кексаларига Самарқанд шаҳрига зиёратга бориб келиши учун имкон яратилди. Бу каби савобли ишлар давом этмоқда.

Усмон АБДУРАСУЛОВ

Анжуманлар

ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар: эришилган натижалар ва муаммолар" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, спорт билан шугулланиши, замонавий билимлар, касб-ҳунарларни эгаллаши, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда фуқаролар йиғинларининг таъсири тобора ошиб бораётган. Оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлик механизминини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида "Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлиги" Жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилган, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д.Аллаев. — Бугунги кунда "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлик механизминини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оила институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш, ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ҳамда фарзандлар билан яқин муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида "Маҳалла" фонди ва Халқ таълими тузилмалари ҳамда республикаимиздаги ўн мингга яқин фуқаролар йиғинлари томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида ҳамкорлик доирасида маҳаллалар ва таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини ўрганиш, ўқувчиларнинг дарс жараёнига жалб этилиши, ўқишга мунтазам қатнамайдиган ўқувчиларнинг ота-оналари ўртасида тушунтириш ишлари бўйича жами 75 мингга яқин тарғибот тадбирлари ўтказилди.

"Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигининг самарали йўлга қўйилиши ўсириллар орасида турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилиши, шунингдек, гиёҳвандлик, диний экстремизм, "оммавий маданият" каби салбий иллатларнинг олдини олишда, уларни спортга жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишда кўл келмоқда. Анжуманда бу ҳамкорлик ёшларни ҳар томонлама баркамол, ҳам жисмонан, ҳам маънавий етук қилиб тарбиялашда, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда халқ қилувчи қўлга айлانганганлиги алоҳида таъкидланди.

Соғлом бола тарбиясида таълим-тарбия, маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлигини инобатга олиб, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш мақсадида "Кенгашли тўй тарқамас", "Она бўлишга тайёриймиз?", "Мен бахтли она бўламан", "Оилавий қадриятлар", "Келин ва қайнона муносабати", "Оилада келиннинг роли", "Оила ва никоҳ муқаддас", "Оила ва саломатлик" каби мавзуларда умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар билан ҳамкорликда 15 мингдан ортқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари, маҳаллаларда ёш оилаларнинг ажралиб кетиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 72 мингдан ортқ, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисида 73 мингга яқин тарғибот-тушунтириш ишлари олиб боришгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

— Халқимизда бир болага етти қўшни ота-она деган нақл бор, — дейди Чилонзор туманидаги "Чилонзор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Омонулло Муталов. — Маҳалламизда болалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Ўғил-қизларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун стадион, сузиш ҳавзаси очилди. Турли спорт тўғаракларининг фаолияти йўлга қўйилган.

Анжуман давомида ёшларни таълим-тарбиясида, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш каби ишларда "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлигининг аҳамияти ва роли хусусида ҳамкор ташкилот вакиллари ва маҳалла фаолларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Тадбирда маҳаллаларда "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлиги доирасида ёшлар маънавиятини янада кучайтириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган тарғибот ишларини изчил давом эттириш лозимлиги муҳокама этилди. Бу борада "Маҳалла" фонди, Халқ таълими вазирлиги, "Оила" илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий тузилмалари ва фуқаролар йиғинлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш, маҳаллалардаги жамоатчилик комиссиялари ишини жонлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Зиёда РАСУЛОВА

Спорт янгиликлари



Елхон Шамсиддинов олган суратлар

Қатар пойтахти Доха шаҳрида имконияти чекланган енгил атлетикачилар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати старт олди. Қувонарлиси, дунё биринчилигининг илк кундаёқ терма жамоамиз аъзоси дастлабки медални қўлга киритди.

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ СОВРИНДОРЛАРИ

Узунликка сакраш беллашувида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Бекжон Чеваров 6,65 метр натижа билан шохсупанинг учинчи погонасидан жой олди. Эътиборлиси, унинг бу натижаси эндиликда Осиё китъаси рекорди сифатида эътироф этилади. 7,15 метрга сакраган шведиялик Пьер Йонссон олтин медални қўлга киритган бўлса, испаниялик Иван Хосе Бланко (6,75 метр) иккинчи натижани қайд этди.

Ядро улоқтириш мусобақасида иштирок этган Хусниддин Норбековга жаҳон чемпионатининг бронза медали насиб қилди. Бор кучини ишга солиб 14,57 метр натижа қайд этган вакилимиз келаси йили Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган Паралимпий ўйинларига йўланмани қўлга киритиш баробарида шахсий натижасини ҳам янгиллаб олди. Ушбу йўналишда хитойлик Донь Цзя 15,94 метр кўрсаткич билан ғалабани қўлга киритган бўлса, литвалик Миндаугас Билиус тошни 15,35 метр масофага иргитиб, қумуш медал билан тақдирланди.

ЕТАКЧИЛАР САФИДАН ЎРИН ОЛИШДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг ёшлар лигаси 27-тур учрашувларида Тошкентнинг "Бунёдкор" ҳамда "Пахтакор" жамоалари ўз рақибларини мағлубиятга учратиб навбатдаги уч очкога эга бўлишди.

Бу йилги мавсумда пойтахтимизнинг мазкур икки жамоаси чемпионатнинг қолган иштирокчиларини катта фарқ билан ортада қолдирган ҳолда мусобақа етакчилигини ўз қўлларига олишган.

Айни дамда "Пахтакор" дан бир очко олдинда бораётган "Қалдирғочлар" Қаришда "Насаф" клубини 5:0 ҳисобидаги йирик мағлубиятга учратди. Учрашувда Ҳикмат Эргашев шогирдлари тўлиқ устунлик қилишди. Биринчи бўлимда Вячеслав Пурак ва Миржамол Қосимов, иккинчи таймда Жаҳонгир Хўжамов, Сардор Азимов ҳамда Эргаш Исмоиловлар мезбонлар дарвозасига тўп кири-

тишди. Баҳс давомида Дилшод Хўшбоқов, Фарход Намозов, Жаҳонгир Эсонқулов, Шароф Муҳиддиновлар бош ҳакам томонидан оғохлантирилди.

Шунингдек, Тошкентда Самарқанднинг "Динамо" жамоасини қабул қилган Илҳом Мўминжонов бошчилигидаги пахтакорчилар 2:0 ҳисобидаги ишончли ғалабага эришди.

Шундай қилиб, Ёшлар лигасининг икки пешқадам жамоаси бу турда ўзларига белдирилган ишончни оқладилар. Энди муҳлислар чемпион номини сўнгги турларда билиб олишлари мумкин бўлади.

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига баҳслари тақвимида айрим ўзгаришлар киритилди.

ЧЕМПИОНАТ ТАҚВИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Осиё Кубоги ва жаҳон чемпионатининг қўшма саралаш босқичи доирасида Шимолий Корея терма жамоасига қарши ўйинига муваффақиятли тайёргарлик кўрилишини таъминлаш мақсадида Олий лиганинг 29-туридан ўрин олган баъ-

зи учрашувлар санаси бир кунга ўзгартрилди.

Жумладан, "Олмалик" — "Бунёдкор", "Насаф" — "Пахтакор", "Локомотив" — "Машъал" учрашувлари 2015 йил 5 ноябрдан 4 ноябрга қўйирилди. Ҳузурдаги "Шўртан" — "Навбахор" ўйини эса аксинча 4 ноябрдан 5 ноябрга санасига қўйирилди.

Ботир ХЎЖАЕВ

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ МУНОСИБ ҚАТНАШМОҚДА

Грецияда шахмат бўйича 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионати давом этмоқда. Мазкур нуфузли мусобақада юздан зиёд давлатдан 1 минг 600 дан ортиқ шахматчи баҳслашмоқда.

Швейцарча тизимда ўн бир турдан иборат мусобақаларнинг еттинчи тури ёш шахматчиларимиз учун омадли келди. Ўн икки ёшгача ўғил болалар ўртасида мағлубиятсиз ўйнаётган ҳамюртимиз, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов еттинчи партияда озарбайжонлик Муҳаммад Муродлини мағлубиятга учратди. Нодирбек ҳозирча 6,5 очко билан турнир жадвалида пешқадамлик қилмоқда.

Нодирбекнинг ораси Баҳора Абдусатторов ва мусобақада мағлубиятсиз донна сурмоқда. Ўн олти ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги баҳсларда қатнашаётган Баҳора еттинчи турда канадалик Кью Жоу билан дуранг ўйнади ва очколарини олтигача етказиб олди.

Шахматчиларимиздан Шамсиддин Воҳидов ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида украиналик Кирилл Шевченко билан дуранг ўйнади. Ислонбек Син-

доров саккиз ёшгача ўғил болалар баҳсида қозогистонлик Алдиёр Ансатни, Нодирабегим Париева ўн саккиз ёшгача қизлар ўртасида польшалик Мариола Возниакни енгди.

Еттинчи турда ўш тоифасида Музаффар Эминжонов сербиялик Илья Станожевични, Лейла Ким қозогистонлик Дарина Байдалиновани, Рухона Раҳимбердиева Шри-ланкалик Жавинди Акуратияни мағлуб этди. Абдумалик Абду-салимов голландиялик Макс Вармердам билан, Асал Салимова россиялик Юлия Григорьевна билан, Юлия Хегай жазoirлик Лина Наср билан дуранг ўйнади.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎзА мухбири

НОҚОНУНИЙ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар Яккасарой тумани бўлими ходимлари томонидан ноқонуний цехларни фаш этиш, савдо қоидаларини бузганлик, валюта билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш борасида қатор тadbирлар ўтказиб келинмоқда.

Ушбу тadbирлар натижасида бир қатор қонун бузилиш ҳолатлари аниқланганлигини таъкидлаш ўринли. Мисол учун, Мақсуд Саиджалилов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) маълумоти ўрта махсус, уйланмаган, МЧЖ раҳбари сифатида "Coca-Cola ichimligi Uzbekistan LTD" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг савдоси билан шуғулланиб келган. Мақсуд ишлаган даврида фирма фаолиятига оид ҳужжатларга имзо қўйиш, тегишли назорат идораларига директор сифатида бориб келиш, маҳсулотлар чикимиға оид ҳужжатларни имзолаш, ҳисоботдаги сохта маълумотларни тасдиқлаш вазифасини бажарган. М.Саиджалилов салқин ичимликларни харид қилиб, амалдаги савдо қоидаларига қўра, маҳсулотларни улгуржи тарзда сотиб, умумий оватла-ниш ва савдо дўконларига етказиб берили-шини таъминлаш лозим бўлса-да, бунга амал қилмасдан маҳсулот олиш юзасидан буюртмалар бериб, хоҳлаганча иш юритган. У жамиятга норасмий тарзда ишчи-

ходимларни жалб қилиб, салқин ичимлик-ларнинг нархини сунъий равишда ошириб, уюшган гуруҳ аъзолари юқори ликвидли маҳсулотларни нақд пулга сотиб, Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган савдо қоидаларини бузиб келган. Бунинг оқибатида жамият томонидан 651 млн. сўмдан ортиқ савдо пул-лари назорат-касса машинасида ўтказил-маган, банк муассасаларига инкассация қилинмасдан нақдлаштириб юборилганли-ги аниқланган. Бундан ташқари М.Саиджа-лилов ноқонуний юритган фаолияти юзаси-дан Жиний ишлар бўйича суд томонидан қонунда белгиланган тартибда жавобгарлик-ка тортилган.

Фарход МИРЖАЛИЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖЖДЛҚК Департаменти Яккасарой
тумани бўлими бошлиғи ўринбосари

Маънавият

МИЛЛИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК УЙҒУНЛИГИДА

Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Миллий эстрада санъати: шoir, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги — давр талаби" мавзuida матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Икбол Мирзо, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори вазифасини бажарувчи Муроджон Махидов миллий эстрада санъатини ривожлантириш, шеър, musiқа ҳамоҳанглигини ажодларимиз бой маънавий ме-ро-си билан уйғуллаштириш, шoir, бастакор ва хонан-да бирлигида яратилаётган қўшиқларнинг мазмун-моҳиятини янада яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини таъкидлашди.

Шунингдек, тadbирда миллий қадриятларимизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мос қўшиқлар яратиш, ёш ижрочиларнинг маънавий олами-ни юксалтириш бо-расидаги ишларни кучайтириш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Ҳозирги кунда musiқа, айниқса эстрада санъати ривожланиб, келажак авлод орасида кенг оммала-шиб бормоқда. Бу эса санъаткорлардан ўз ижоди-га янада масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Ёзувчилар уюшмаси кўмагида эстрада санъатини ривожлантириш жағфармаси томонидан ёш шoirлар-нинг Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, оsoйишта ҳаётимизга шукроналик туйғулари акс этган шеърла-ри Фафур Фулом номидаги нашрий-матбаа ижодий уйда махсус тўплам ҳолида чоп этилиши ҳам санъат аҳлига бўлган эътиборнинг бир кўринишидир.

— Маънавиятимиз ва маданиятимизни юксалти-риш, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида қараш, ёш авлоднинг онгу тафаккурига юрт-га садоқат, Ватан тақдирини ўқиниш туйғуси-ни синдириш масалаларида musiқа, шеър ва қўшиқ ҳамоҳанглиги муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзе-бекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдул-лаев. — Миллий эстрада санъатини ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришишимиз баробари-да, ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Айниқса кейинги пайтларда чет эл оханг-ларига ўзбекча сўзларни қўйиб ижро этиш ҳоллари кўп кузатилмоқда. Бундай ноҳус ҳолатларнинг олдини олиш борасида тегишли чора-тadbирлар қўрилмоқ-да. Энг асосий вазифамиз миллийлигимизга йўғрил-ган қўшиқларни қўпайтириш, эстрада жанрларида айтилаётган қўшиқларнинг савиясини янада ошириш, анъаналаримизга амал қилган ҳолда musiқа мада-ниятини нафақат хонанда, бастакор ва шoir, балки кенг омма орасида ҳам тарғиб қилиш зарур. Чунки musiқа инсонларнинг яшашга бўлган муҳаббатини кучайтириш, уларга маънавий озиқ бериш билан бирга миллий ўлигимизни тарғиб қилади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб ол-дилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилади!

Савдога Юнусобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳри ҳўжалик судининг 25.06.2014 йилдаги 10-1410/10075-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Боғиша-мол кўчаси, 151-уйда сақланаётган "Solar 130 W-V Daewoo Ekskavator" русумли, давлат рақами 6000 EP бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган техника воситаси қўйил-моқда. Бошланғич баҳоси — 39 619 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 14 декабр кунин соат 12:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар рас-мий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2015 йил 11 де-кабр кунин соат 18:00. Техника воситаси билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсат-ган ҳолда "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Саг-бон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишонч-нома, чет-ёл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқилиш қонуний-лигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш ман-зили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.



даража илиқ, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мо-ниторинг хизмати маълумотиға қўра,

Тошкент шаҳрида 4 ноябрь кунин ҳаво ўзгариб туради, ёлғиначилик бўлмайди. Шарқ-дан секундиға 3-8 метр тез-лика шамол эсади. Ҳарорат кечаси 1 даража совуқ ва 1

4 ноябрь Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишиға им-коният яратоди, шифосланиш даражаси паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1155

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95.
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6168 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида теорида ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишға тошпирилди: 13.50

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ